

Әдебиетлар

1. Быховская-Павловская И.Е. Паразиты рыб // Руководство по изучению. 1985, -С.120.
2. Алламуратов Б.А. Паразитические простейшие и протозойные болезни рыб некоторых прудовых хозяйств Узбекистана и юга Казахстана. - Нукус: «Каракалпакстан», 1986, -С. 98.
3. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Хегай В.Н. Определитель рыб Узбекистана. -Ташкент: «Chinor ENK», 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақалода «Хоразм балиқ маҳсулотлари» акционерлик жамияти 1-2-бўлим хавзалари балиқларнинг цестоза - Ботрицефалёз паразити билан касалланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся данные заболевания рыб 1-2-ого отдела прудов акционерного общества «Хорезмские рыбные продукты» цестозой - Ботрицефалёз.

SUMMARY

The article presents data on the fish disease of the 1-2th department of the lake of the «Khorezm fish products» joint-stock company, with cestosis-Botriocephalosis.

УДК: 581.5:943.11

ОДДИЙ ҚАМИШ (PHRAGMITES AUSTRALIS) ФИТОЦЕНОЗЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИШ

Ж.К.Абдуллаева - тадқиқотчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Ш.Б.Сабурова - магистрант

Қ.Қ.Қосназаров – кишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент

К.А.Қосназаров – ассистент ўқитувчи

М.О.Алламуратов – химия фанлари бўйича фалсафа доктори

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: Қорақалпоғистон Республикаси, Орол денгизи ва Оролбўйлари, оддий қамиш, фитоценозлари, экологик ўзгаришлар, қайта тиклаш муаммолари, аҳамияти, тавсиялар.

Ключевые слова: Республика Каракалпакстан, Аральское море и Приаралье, обыкновенный тростник, фитоценозы, экологические изменения, проблемы восстановления, значение, рекомендации.

Key words: The Republic of Karakalpakstan, the Aral Sea and the Aral Sea, common reeds, phytocenoses, environmental changes, restoration problems, significance, recommendations.

XX асрнинг 60-70- йиллари Қарақалпоғистон Республикаси худуди жуда гўзал манзарали ҳамда табиий чиройга эга бўлди ва кўллар макони деб номланар эди. Сабаби, Орол денгизи ва Оролбўйларида 1000 тагача кўллар, кўлмоқлар, кичик сув хавзалари, турли ҳажмдаги сув ўзанлари мавжуд бўлиб, улар атроф мухитга ижобий микроклимат ҳосил қилиб турди.

Орол денгизи ҳамда Оролбўйларида яшовчи аҳолиларнинг тақдири ҳам, тарихи ҳам, ушбу мухит билан ҳамбарчас боғлиқ бўлди.

XX асрнинг 80- йилларига ча, Қорақалпоғистон Республикаси худудини ва унинг Орол денгизини ягона сув артерияси ҳисобланган Амударё сув билан таъминлаб келди. Амударёнинг икки томони ва унинг сувлари етиб борадиган барча жойлар, ўзининг гўзал манзараси ҳамда ажойиб табиати билан инсонларни ўзига жалб қилар эди. Айриқча, сув бўйларида яшил липосга эга бўлиб ўсаётган қамишзорлар ОНА Ватанимизнинг чиройига – чирой, гўзаллигига янада гўзаллик бағиш этди.

Амударё – бу маҳаллий халқлар (қорақалпоқлар, ўзбеклар, туркманлар ва қозоқлар) дили билан айтганда ҳаёт дарёси ҳам дейилади.

Амударёнинг кенг бўйлари ва унинг дельталарида баҳорги сув босқинларидан ҳосил бўлган жуда катта марказий майдонларда, нор қамиш, оддий қамиш, қўл қамиши, яқанлар ва ҳар хил ҳажмдаги сув омборларида эса, турли гидрофил (сув севар) ўсимликлар ўсиб, уларнинг кўпчилигини қамиш ўсимлигининг захиралари эгаллар эди [1:64].

XIX-XX асрларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қамишзорлар плантациясининг умумий майдони 1 миллион 200 минг гектарни ташкил этдилар.

Қуйи Амударё дельталари ва унинг ажойиб кенг майдонлари ўзининг географик жойлашиши, ўсимликлар ҳамда ҳайвонат дунёсига бойлиги билан Қорақалпоғистонда бир қатор зарур аҳамиятга эга бўлган халқ хўжалиги соҳаларининг ривожига салмакли ўринди тутди.

Қалин зич ўсган, орасидан юриб бўлмайдиган қамишзорлар ҳар хил сувда сузадиган бир нечта ўн минглаган сонда еввойи тур қушларнинг (ҳар хил ўрдақлар, қулар, ғозлар ва ҳақозалар), уя солиш, ўсиш ва ривожланиш маркази, айрим, ноёб ҳайвонотлар дуняси

турларининг (еввайи чучкалар, қорсақлар, тулкилар, қамиш мушуклари ва ҳақозалар) келиб озикланиб кетадиган ўрни ҳамда бўри, қарсақ ухшаган йирткиш ҳайвонларнинг сув ичиб ўтадиган жойлари ҳисобланди.

Орол денгизи ва унинг атрофида шундай сув омборларида ўсувчи ўсимликлар дунёси денгизда ҳаёт кечирувчи 34 та турдаги ҳар хил балиқларнинг (лаққа, сазан, бекара, зогара балиқ, судак, стреляд ва ҳақозалар) озик-овқати, туҳум қўйиб кўпайиш ўрни, яш човақларнинг ўйнайдиган майдонлари вазифасини бажарди.

Қамишларнинг органик парчаланишидан ҳосил бўлган қолдиқлари тубан сув организмларининг муҳим озикаси бўлиб, уларнинг ўзлари ҳам ўз навбатида саноат микёсида овланадиган балиқлар учун энг муҳим озик-овқат маҳсулотлари бўлди.

Қамиш ем-хашак, доривор ва қурилиш материали ўсимлиги ҳисобланиб, унинг пояси қатиб кетмасдан олдин (гуллашдан олдин) ўриб олинади ва уни маҳаллий халқ пичан деб атайдилар. Пичан жамао ва хўжалиқдаги барча чарво моллари учун жуда қиммат баҳо ва енгил ҳазм қилинувчи ем-хашак ўсимлиги ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида чарвочилик билан шугullanувчи хизматкорлар ҳар хил чарво молларини қишлатиш учун қамиш ва утлақ оралаш қамиш фитоценозларидан ҳар йили бир нечта ўн минг тонна ем-хашаклар таёрлашади.

Қорақалпоғистонда қамиш аҳоли тамонидан пичан тайёрлаш учун ўсимлик рувоқ ҳосил қилишдан олдин жанубий тумонларда 2-3 тагача, шимолий тумонларда эса 2 мартабоғача ўриб олинади. Биринчи урқ -май ойида, иккинчиси-июльда ва учунчиси кеш кузда (сувук уришдан олдин) ўсимлик рувоқ ташлашдан олдин яшил масса ҳолатида ўриб олинади.

Жуда катталашиб кетган қаттиқ қамишларни сувук ургандан кейин ўрилади. Улардан қурилиш учун плиталар, буйра тўшаклар ишланади. Қамишни лойдан қурилган уйларнинг гидроизоляцияцион фундаменти ўрнига фойдаланишади, шунингдек, қора уйларнинг устини ва атрофини қоплаши учун махсус материаллар (чийлар) тўкилади. Қамишзорларга яқин жойлашган хўжалиқларда эса қамишни пишган ғишт тайёрлаш, уйларни иситиш, нон япиш ва ҳар хил овқатлар пишириш да ёқилги сифатида ҳам фойдаланишади.

Н.В.Павловнинг (1947) аниқлашиши қамиш илдири -

да крахмал, поясида углеводлар, баргида витамин С ва каротин моддалари бўлади. Тамир қайнатмаси сидик ва тер ҳайдаш хусусиятига эга. Монголия ва Бурятияда қамишни лапша (цинга) касаллигини даволашда қўлла-нишади. Унинг таркибида алколоид моддалар бор эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор [2:114].

XX асрнинг 80- йилларидан бошлаб Орол денгизи ва Оролбўйларида сув тақчиллиги яна ҳам кучайди, экологик фожианинг салбий таъсирлари интензив авиж олди. Бу экологик ўзгаришлар Қорақалпоғистоннинг худудида яшайдиган ўсимликлар флорасига ва ҳайвон-натлар фаунасига ҳам катта зарар келтирди. Шундай салбий таъсирларни асосан, Амударё ва унинг дельта-ларида, Орол денгизи ва Оролбўйларида, турли сув ҳавзалари атрофида ўсувчи қамишзорлар майдонининг 15-20 мартабоғача камайишидан кузатиш мумкин. Қамишзорларнинг умумий майдони жами 60000-80000 гектарни гина ташкил қилишди [1:64].

Мустақилликни қўлга киргизгач март ва жасур халқимиз Ўзбекистон Республикаси давлат бошқариш органларининг тўғридан-тўғри раҳборлиги остида ҳар хил юз берган қийинчиликларни енгиб ўтиб, турли меҳнат ютуқларини қўлга киритиб бошлади. Сув етишмайдиган ерларда захира сувларни (коллектор-зовур сувлари, оқаво сувлари, ер ости артезиан сувлари ва ҳақозалар) фойдаланиш орқали янги қамишзорларни пайдо қилиш ишлари амалга оширилди.

Бизлар тамондан 2011-2017 йиллар давомида ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича сунъий қамишзорлар пайдо қилиш учун кўп мавлағ талаб қилинмайдиганлиги тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси худудида қуриқ қолдиқ бўйича 7-8 г/л минерализациядаги сувлар билан қамиш ўсимлигини суғориш, бу ўсимлиқнинг ўсишини, ривожланишини ва мўл ҳосил беришини таъминлайди ва янги қамиш фитоценозларини пайдо этишга тўлиқ им-кон яратилиши аниқланди. Республикада мавжуд бўлган коллектор-зовур сувлари минерализацияси 4-5 г/л дан ортмайди. Демак, бу сувлар билан қамиш ва бошқа сувсизликга ҳамда тузиликга чидамли кўпчи-лик ўсимликларни бемалол ўстириш мумкин.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда қамишзорлар-нинг ҳажми 2-3 марта, яъний 120 000 дан 240 000 гектарга ча ва ундан ҳам ортиб бормокда. Қамишдан пичан ва бошқа ем-ҳашақлар таёрлаш орқали мол-чарвочилиги, балиқчилик ҳамда паррандачиликни ри-вожлантириш мумкин. Қамишдан қурилиш материал-ларини, музыка асбобларини (сирной, баламан, най, сибизги), ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш ишла-

рини тўғри йўлга қўйиш жудо яхши самараларни бера-ди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қамишдан цел-люлоза ва қоғоз турларини олиш, дари-дармонлар ва бошқа ҳар хил моддаларни ишлаб чиқариш масаласида илмий-тадқиқот ишлари кенг юргизилиб, шулардан айримларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш соҳаларига тадбиқ қилиш ишлари бажарилмоқда.

Масалан, Қарақалпоғистон Республикасининг Кегейли тумани марказида ташкил қилинган «Қоғоз» ЖШЖ қўшма корхонаси тамонидан 2018-йилнинг 23-декабрида лойҳа баҳоси 3,9 миллион АҚШ доллари бўлган целлюлоза ишлаб чиқариш лойҳасига ўз ҳисо-бидан 1,1 миллион АҚШ доллари, банк кредити ҳисо-бидан 1 миллион АҚШ доллари ва инвестиция ҳисоби-дан 1,8 миллион АҚШ доллари миқдорида қаржи ажра-тилган. Лойҳанинг ишга тушиши билан 75 та янги иш ўрни очилган.

Шунингдек, тумондаги «CENTRAL ASIA INTER-NATIONAL PAPER» ЖШЖ қўшма корхонаси тамони-дан лойҳа баҳоси 1 миллион АҚШ доллари бўлган цел-люлозадан таёр қағоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойҳаси бўйича 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Хитой инвестори «Жинг Вен Пинг» компаниясининг тўғридан-тўғри инвестиция қаржиси ажратилиб, лойҳа 2020- йилнинг биринчи чорагида амалга оширилмоқчи. Бунинг натижасида йилига 18 минг тонна целлюлоза Хитойнинг «Жинг Вен Пинг» компаниясининг инве-стиция қаржилари ўзлаштирилади.

Ушбу қўшма қархона тамонидан 2020- йилнинг 30-марти куни лойҳа баҳоси 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция қаржиси билан целлюлозадан қағоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойҳасини амал-га ошириш белгиланган. Бу, эса, янгидан 20-та иш жой-ини очишга имкон яратади деган сўз. Умуман, шу лойҳа бўйича бугунги кунгача 152 минг АҚШ доллари миқдоридаги Хитойнинг «Луи Джэн Сдинг» компания-си инвестиция қаржилари ўзлаштирилган [3:2].

Қорақалпоғистонда янги қамиш фитоценозлари ҳажмини орттириш, қамишдан целлюлоза ва қоғоз тур-ларини олиш, дари-дармонлар ва бошқа ҳар хил модда-ларни ишлаб чиқариш, халқ ҳўжалигининг турли соҳа-ларини ривожлантиришда, озиқ-овқат, қурилиш мате-риаллари, целлюлоза ва қоғоз етиштиришда энг арзон ва қўлай бўлган етакчи хомашё ҳисобланади. Умуман, халқимизнинг бошқа муҳим жиҳозларга бўлган талаб-ларини ҳам ҳол қилишга замин яратади бу эса ўз навба-тида аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Адабиётлар

1. Ережепов С.Е. «Флора Каракалпакии, ее хозяйственная характеристика, использование и охрана» Т.: «ФАН». 1978.-300 с.
2. Матчанов А.Т., Косназаров К.А. и др. Современные рекомендации по предотвращению отрицательных влияний пыле-солевого выпадения на биотические и абиотические объекты в Южном Приаралье. -Н.: «Билим», 2005, -С.64.
3. Туремуратов У.Т., Тажетдинов М.Т., Бутов К.Н. Тростник в дельте Аму-Дарьи и перспективы его использования. -Н.: «Каракалпакия», 1968.
4. НТО. ХД-7. «Изучение экологического состояния водоёмов Южного Приаралья и мероприятия по их оздоровлению, улучшению состояния прилегающих территорий и фитоценозов» (заключительный). Заказчик: Научно-производственное Госу-дарственное Предприятие (НПП) «Экология водного хозяйства» при Государственном комитете по охране природы Респуб-лики Узбекистан. Рук. К.А.Косназаров. -Нукус: 2016, -С.120.
5. /«Еркин Каракалпақстан» 7-март 2020, № 30 (20428) 2-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола муаллифлари Орол денгизи ва Жанубий Оролбўйларида қамиш (*Phragmites australis*) ўсимлигини ўстириш ва унинг фитоценозларини қайта тиклаш муаммоларини сўз қилади. Кўрсатилган мақола табиқат курс ишини, битрув ма-лакавий ишини, бакалавр, диплом ишларини ва х. б. магистрлик диссертация, шунингдек, докторантлар ўзларининг кўрса-тилган мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларида фойдаланишлари мумкин.

РЕЗЮМЕ

Авторы данной статьи поднимают проблемы выращивания проса на залежных землях Южного побережья Арала и улучше-ния его производительности. Указанная статья может быть использована для написания студентами курсовых работ, выпуск-ных работ, т.е. дипломных работ, бакалаврами, магистерских диссертаций, а также аспирантами и докторантами в своих иссле-довательских работах по указанной теме.

SUMMARY

The authors of this article raise the problems of millet cultivation on the fallow lands of the southern coast of This article can be used for students to write term papers, graduate works, i.e. graduate works, bachelors, master's theses, as well as graduate students and doctor- al students in their research works on this topic. The Aral Sea and improve its productivity.